

Ўқувчи ёшларнинг узлуксиз меҳнат таълимини такомиллаштириш муаммолари

Мамлакатимизда тараққиётнинг барча жабҳаларида тубдан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг асосий қисмини ташкил этадиган ёшларни келгуси ҳаётга тайёрлаш, уларнинг ўзларини қизиқтирган касб-хунар эгалари этиб тарбиялаш жамиятнинг ривожланишида долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг аҳолисининг 10 млн.дан зиёдроғини 17-18 ёшгача бўлган ўқувчи-ёшлар ташкил этади. Уларни келгусида унумли меҳнат фаолиятига тайёрлаш, ўзларини қизиқтирган касб-хунарларини эгаллашга йўналтириш ишларини йўлга қўйиш асосан, умумтаълим мактабларидаги меҳнат таълими ўқув фани зиммасига тушади.

Умумтаълим мактабларидаги меҳнат таълими машғулотлари қўйидагича тузилган: 1-4 синфларда бадий ва умумий меҳнат таълими ҳар бир синфларда ҳафтасига 1 соатдан бир йилда жами 34 соатдан, 5-7 синфларда – ёғочга, металларга, газламаларга ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш (пазандачилик), қишлоқ хўжалиги ва халқ хунарамандчилиги ҳар бир синфда ҳафтасига ҳар бир синфда 2 соатдан, бир йилда жами 68 соат, 8-9 синфларда касбга йўналтириш ва ишлаб чиқариш асослари, ҳафтасига 1 соатдан, йилига жами 34 соатни ташкил этади. Умумий ҳолда мактабларда параллел синфлари бўлмаган ҳолда мазкур фанга жами 407 соат ажратилган.

Мактаб меҳнат таълими ўқув фани юқорида кўрсатилганидек, бир неча мустақил ўқув курсларидан тузилиши билан бир қаторда умумтаълим мактабларида ўтиладиган деярли барча фанлар билан ўзаро алоқадорликда бўлади. Ўқувчилар физика, кимё, зоология, ботаника, биология, география, математика, информатика, тарих, она тили ва адабиёт каби фанлардан ўрганган назарий маълумотларни меҳнат таълимида турли материалларга ишлов беришда хилма-хил буюмлар тайёрлаш жараёнида амалда қўллайдилар. Бу жиҳатдан олиб қараганда меҳнат таълими умумтаълим фанларини ўрганишда амалий юмушларни бажарадиган лаборатория вазифасини ўтайди.

Ҳозирги даврда бевосита ёшларни турли хил замонавий касб-хунарлар ҳақидаги маълумотлар билан таништириш, уларга ўзларини қизиқтирган касб-хунарлар тўғрисида маслаҳатлар бериш, ўқувчи-ёшларнинг касбларга қизиқишлари, лаёқатлиликларини аниқлаш билан ҳам 8-9 синфлардаги «Касбга йўналтириш» ўқув курсини ўрганиш жараёнида олиб борилади. Шунингдек, мазкур синфлардаги «Ишлаб чиқариш асослари» ўқув курсида ўқувчи-ёшлар замонавий халқ хўжалиги, саноат, қишлоқ хўжалиги соҳалари, савдо, қурилиш, автомобилсозликдаги ишлаб чиқариш турлари, хусусиятлари, моҳияти билан танишадилар ва ўзларини ана шу соҳалардаги меҳнат фаолиятига тайёрлаб борадилар.

Демак, меҳнат таълими кўп миллионларни ташкил этадиган ёшларни келгусида ҳаётга, касбларга ва қайноқ меҳнат фаолиятига яқиндан тайёрлайдиган муҳим ўқув фанларидан ҳисобланади. Ҳозирги даврда ушбу

муҳим ўқув фанни янада такомиллаштириш, ривожлантириш учун жуда кўплаб муаммолар юзага келган бўлиб, ушбу муаммолар ижобий ҳал этилсагина мазкур фанни ўқитиш, ўргатиш ишлари замон талабларига жавоб бера олади.

Дастлабки муаммолардан бири – педагог кадрлар таъминоти бўлиб, ҳозирги даврда олий ва ўрта махсус маълумотли, мутахассис-педагог, номутахассис-педагог ва нопедагог – номутахассислар ишламоқдалар. Олий маълумотли номутахассис ва нопедагогларни ВПКҚТМОИ лар қошидаги қайта тайёрлаш факультетларидаги 504 соатлик (4 ойлик) ўқув курсларида ўқитиш ва тегишли ҳужжат билан таъминлаш лозим. Ўрта махсус маълумотли мутахассислар, номутахассислар ва нопедагоглар университетлардаги махсус сиртки факультетларида ўқиб, тегишли мутахассислик бўйича бакалавр даражасини ифодалайдиган диплом олганларидан кейингина ушбу ўқитувчи-педагогларнинг аттестациядан ўтказилиши йўлга қўйилади ва хизмат тоифалари белгиланади ҳамда ойлик маошига устама ҳақлар, мукофотлар тўланади.

Иккинчи муаммо бу – меҳнат таълимининг ўқув-методик ва моддий-техника материаллар таъминотининг йўлга қўйилишидир. Маълумки, 10 дан зиёд мустақил ўқув курсларидан тузилган мазкур фан амалий фанлар жумласига кирганлиги сабабли ушбу фанни ўқитишда турли хил материаллар, қўл ва электр асбоблари, станоклар, мосламалар, қурилмалар, махсус бинолар ва майдончалар, махсус кийимлар, ер майдончалари мавжуд бўлсагина, машғулотлар сифатли ташкил этилади. Шунингдек, ушбу фаннинг турли хил ўқув курсларидан таркиб топганлиги ва ўғил ва қиз болалар шаҳар ва қишлоқ мактабларидаги меҳнат таълими ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли, ўқув режа, дастурларни, дарслик ва қўлланмаларни ҳамда методик ишланмаларни яратишда юқоридаги хусусиятлар эътиборга олинганлиги сабабли мазкур фаннинг ўқув-методик мажмуалари тўлиқ яратилган эмас. Демак, ушбу фаннинг замон талаблари асосида ўқитилишида ўқув-методик ва моддий-техника таъминоти тўлиқ йўлга қўйилиши зарур. Меҳнат таълимини ўқитишнинг навбатдаги муаммоларига ўқитувчи-педагогларнинг ижодкорлигини ташкил этиш, ўқувчилар, ўрганишида турли хил манбалардан (масалан, интернет, модем, мультимедиа) фойдаланишни йўлга қўйиш, ўқув устахоналарини янгидан ташкил этиш, мазкур устахоналар бўйича масъул шахсларнинг ойлик маошларини тиклаш, ҳамда ўқувчиларнинг 5-8 синфлардаги меҳнат амалиётларини (ДТС да амалий меҳнат машғулотлари деб кўрсатилган) амалда ўтказишни ташкил этиш, меҳнат таълими негизида ташкил этиладиган тўгаракларнинг иш фаолиятини йўлга қўйиш, мазкур фаннинг турли йўналишлари бўйича ўқувчиларнинг «Моҳир қўллар», «Ёш мутахассислар» кўрик танловларини ўтказишни ташкил этиш кабилар киради. Шунингдек, ўқувчиларнинг онгли равишда касб танлашларини ташкил этишда ота-оналар, маҳала-жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш, ишлаб чиқаришда бевосита қатнашишларини таъминлашда давлат ва нодавлат корхоналарини, хусусий ташкилотларни, фирмалар ва жамғармаларни кенг равишда жалб этиш, ўқувчи ёшларни касб-хунар коллежларига қамраб олишда ва ушбу ўқув юртларини битиргандан сўнг бандлик хизматини ташкил этишда

хокимиятлар, туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари, турли марказлар ва жамғармаларнинг фаол иштирокини таъминлаш ҳам шундай муаммолар жумласига киради. Хусусан, меҳнат таълимида тарбиявий имкониятларини юзага чиқариш, яъни, фақат Янги маълумотлар бериш билан чекланиб қолмасдан, ўқувчиларнинг иқтисодий тежамкорлик, экологик, нафосот, ҳуқуқий ва хавфсизлик хислатларини шакллантиришга эътибор бериш ҳам муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчи ёшларнинг ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини топишда, турли хил касб-ҳунарларни онгли равишда эгаллашларида муҳим ўрин эгаллайдиган меҳнат таълими ўқув фанини ўқитишда ва ўрганишда учраётган муаммоларни ҳал этиб бориш, уларнинг бандлик хизматини йўлга қўйиш, муносиб иш ўринлари билан таъминлаб бориш жамиятимиз тараққиётидаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу фаннинг ўқитилишида сифат ва самарадорликка эришиш, барча умумтаълим фанларини ўқитиш ҳам замонавий талаблар асосида ташкил этилишининг муҳим мезонларидан ҳисобланади.

М. Беҳбудий номидаги
Самарқанд ВПКҚТМОИ
Жисмоний тарбия, санъат ва
меҳнат таълими кафедраси
мудири, п.ф.н. доцент

Муранов Б.И.